

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 5

Иштихон шахри.

2022 йил 14 декабрь

“MUSLIMA SHOХONA” СП (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан низоми асосида иш юритувчи директори Ш.Кенжаев бир томондан ва Иштихон туман Ҳокимияти, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан иш юритувчи Раҳбар Ф.К.Рузиев иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида тузилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашининг 2022 йил 17 ноябрдаги № VI-87-275-7-95-К/22 қарорига асосан “3-декабрь - Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан маданий-маърифий тадбир ташкил этиш учун (кейинги ўринларда “Хизматлар” деб юритилади) хизмат кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Иш хизматлар номи	Хизматлар сони	Ногиронлар сони	Нархи	ККС 15%	Суммаси
1	“3-декабрь -Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан маданий-маърифий тадбир ташкил этиш учун	1	300	233000		69900000
	ЖАМИ:					69900000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **69900000 (Олтмиш туккиз миллион туккиз юз минг) сўм** деб белгиланади. Бажарилган ишлар (хизматлар) учун олдиндан шартнома умумий суммасининг 30% миқдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни иш хизматларни бажаргандан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

1.3. “Хизматлар” нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи” дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан “хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини “Бажарувчи” томонидан қопланади.

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомани мувофиқ тегишли сифатига эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатига эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танловига кўра: зарур сифатига эга бўлмаган “Хизматлар” шунга ўхшаш “хизматлар” билан алмаштирилишини; “Хизматлар”нинг камчиликларини беғул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахлар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

баҳосинининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Хизматлар”ни захира жамғармаси маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртмаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. “Хизматлар”га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб ғазначилик бўлинмасининг ДМБАТ дастурида рўйхатдан ўтказгандан сўнг жорий ойнинг охиригача ҳақ тўлаш.

2.3. “Бажарувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланиши ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва узил-кесил ҳисобкитоб қилинишини “Буюртмачи” дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманоманага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. “Бажарувчи” қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи” билан тузган шартномаси Газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан сунг “Хизматлар”ни курсатиш ;

2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофик ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва миқдорда курсатиш;

2.4.3. Агар “Хизматлар”ни курсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин хизмат курсатиш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу маблағ Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгазининг 2022 йил 17 ноябрдаги № VI-87-275-7-95-К/22 қарорига асосан “3-декабрь -Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан маданий-маърифий тадбир ташкил этиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан шаклланади ва мазкур шартноманинг баҳоси **69900000 (Олтмиш туккиз миллион туккиз юз минг) сўми** ташкил этади. Қўрсатиладиган “Хизматлар”нинг баҳоси мазкур шартноманинг ажралмаси қисми бўлган иловада қўрсатилган.

3.2. Қўрсатилган “Хизматлар” учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томон ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. “Хизматлар” қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбурият бажарилган сана ҳисобланади. “Буюртмачи”нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмалари штампида қўрсатилган сана “Хизматлар”га ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилган ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи” муддатлар бузилган ҳолда қўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда “Хизматлар” қўрсатилиши ушбу ассортиментга кирмаган бошқа номдаги қўрсатилмаган “Хизматлар” ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва қўрсатилмаган “Хизматлар”нинг ўрнини тўлдирилиши керак, бундай “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг олдиндан берилган розилиги бўйича қўрсатилган ҳоллар бундан мутасно.

4.6. Қўрсатилган “Хизматлар” бевосита “Буюртмачи”нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада қўрсатилган “Хизматлар” миқдори, уларнинг сифати қўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган “Хизматлар” қўрсатилиши мазкур шартномага мувофик “Буюртмачи”нинг буюртманомаси қўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада қўрсатилган кун мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда “Бажарувчи” Буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан ўтказиш дафтари юритади.

4.8. “Буюртмачи” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд “Хизматлар”нинг тегишли қисмларини курсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Бажарувчи”ни буюртманоманда қўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Қўрсатилаётган “Хизматлар” сифати, миқдори “Бажарувчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиш ҳоллари аниқланган тақдирда “Бажарувчи” қўрсатиладиган “Хизматлар”нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиб ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар қўрсатилган “Хизматлар”нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон қўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган “Хизматлар” қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. “Хизматлар курсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилишини рад этилганлиги учун Бажарувчи” “Буюртмачига” белгиланган устамалардан ташқари қўрсатилиши керак бўлган “Хизматлар”нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Бажарувчи” буюртмачига “Хизматлар” қўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ қўрсатилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи” кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси қўрсатилмаган “Хизматлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини

бузган томонни шартномани зарур миқдорда бажаришдан ва “Хизматлар” кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган “Хизматлар” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганга “Буюртмачи” “Бажарувчи”га Муддати кечиктирилган ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. “Буюртмачи” томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи”ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатларида(ҳаракатсизлиги) “Буюртмачи” томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслиги) олиб келган “Бажарувчи”нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. “Бажарувчи”нинг айби билан контрактация шартномасининг “Буюртмачи” томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда “Бажарувчи” томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур 69900000 (Олтмиш туккиз миллион туккиз юз минг) сўмлик, № 12-сонли шартнома 2022 йил 14 декабрь 2-нусада тузилган бўлиб 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномада ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан – икки нусада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Бажарувчи”

“MUSLIMA SHOХONA” СП

(мол етказиб берувчи номи)

Манзил: Иштихон тумани Шейхларкент МФЙ

Телефон: 944725312

Банк реквизитлари

Ҳ/р : 20208000305286036001

Грантбанк АЖ Иштихон филиали

МФО 00311 СТИР: 307678464

“Буюртмачи”

ИШТИХОН ТУМАН ҲОКИМИЯТИ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси

Телефон: 629-21-66

Ш/хв 305122860182127109602018001

СТИР 200743676 ХХТУТ : 84112

Иштихон туман бўйича Ғазначилик

Ғазна х/в 23402000300100001010

Марказий банк: Тошкент шаҳар ББ ҲККМ

МФО 00014 СТИР: 201122919

Раҳбар

М.Ў



Раҳбар

Ф.К.Рузиев

М.Ў



10.08.2022
20.27.00.1 20.08.2022

2022 йил 14. СЕНАБР № 5 шартномага илова
БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ДАЛОЛАТНОМАСИ

« 14 » « 12 » 2022 йил
«БАЖАРУВЧИ»

Иштихон шаҳри
«БУЮРТМАЧИ»

«MUSLIMA SHOХONA» СП		Иштихон туман Ҳокимияти			
Манзил: Иштихон тумани Шейхларкент МФЙ		Манзил: Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси 4-уй			
Телефон: 944725312		Тел./факс: 8 366 629 21 66			
X/p : 20208000305286036001		Ш/хв: 305122860182127109602018001			
Грантбанк АЖ Иштихон филиали		СТИР: 200743676			
СТИР 307678464		ХХТУТ: 84112			
ХХТУТ:		Иштихон тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси			
МФО: 00311		Ғазна х/в: 23402000300100001010			
		Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХҚКМ			
		МФО: 00014 СТИР: 201122919			
№	Бажариладиган ишларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Баҳоси
1	Ошхонада иссиқ-овқат хизмати ва совгалар учун	дона	300	233000	69900000
	Жами		X	X	69 900 000

Иштихон туман ҳокими:

Ф.К.Рузиев



«MUSLIMA SHOХONA» СП
 раҳбари:



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

QUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUSLIMA SHOXONA" Oilaviy korxonasi

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy tuzilishi asosida ko'rsatilgan holdagi ism) nom)

"MUSLIMA SHOXONA" OK

(Yuridik shaxsning o'zgarishi nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.08.2020

885815

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (taq'ib bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (SIR)

307678464

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Oilaviy korxonasi

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Sheyxrarkehi MFY Sheyxrarkehi qishlog'i,

Qurilma nomi:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing birligi nomi)





XALQ DEPUTATLARI ISHTIXON TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 17 - noyabr

VI-87-275-7-95-K/22

Ishtixon tuman hokimligi

“Ayollar daftari”ga kiritilgan xotin-qizlarni muammolarini hal etish va ularni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash maqsadida “Ayollar daftari” jamg‘armasi hisobidan mablag‘ ajratish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 31-martdagi “Xotin-qizlar muammolarini o‘rganish va hal etish tizimini yanada takomillashtirish chora- tadbirlari to‘g‘risida”gi 145-sonli Qaroriga hamda tuman hokimining o‘rinbosari, oila va xotin-qizlar bo‘limi boshlig‘i F.Chinorovanning (2022-yil 29-oktabrdagi 07-138-sonli) bildirgisiga muvofiq xalq deputatlari tuman Kengashining oltinchi chaqiriq, 87-sessiyasi

QAROR QILADI:

1. Ishtixon tumani hokimi o‘rinbosari, oila va xotin-qizlar bo‘limi boshlig‘i F.Chinorovanning tumanda tashkil etilgan “Ayollar daftari”ning 3-bosqichiga kiritilgan og‘ir, ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlarga manzilli ijtimoiy yordam ko‘rsatish to‘g‘risidagi taklifi ma‘lumot uchun qabul qilinsin.

2. 2022-yilda shakllantirilgan “Ayollar daftari”ni 3-bosqichining “Ijtimoiy himoyaga muhtoj” xotin-qizlar ro‘yxatida turuvchi 60 nafar xotin-qizlarga ilovaga asosan uy-joylarini yakka tartibda qurishi va “Birja” savdolarida qurilish mollari sotib olish uchun 208 880 000 (ikki yuz sakkiz million sakkiz yuz sakson ming) so‘m;

- “Ayollar daftari”ga kiritilgan 300 nafar “Ijtimoiy himoyaga muhtoj, nogironligi bo‘lgan” xotin-qizlarga “3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni” munosabati bilan madaniy-ma‘rifiy tadbir tashkil etish uchun hamda “Birja” savdolariga qo‘yilishi uchun jami 69 970 000 (oltmish to‘qqiz million to‘qqiz yuz yetmish ming) so‘m;

- “Ayollar daftari”ga kiritilgan “Ijtimoiy himoyaga muhtoj” xotin-qizlar ro‘yxatida turuvchi tumandagi “O‘zbekiston” va “Xalqobod” mahalla fuqarolar yig‘inida yashovchi Ziyatova Malika Akbar qizi va Farxodova Surayyo Farxodovnalari O‘zbekiston Respublikasidagi oliy ta‘lim muassasalarida shartnoma (kontrakt) asosida tahsil olayotganligi sababli ularga BHMning 15 baravarigacha bir martalik shartnoma(kontrakt) to‘lovlarini uchun 4 500 000 (to‘rt million besh yuz ming) so‘mdan jami 9 000 000 (to‘qqiz million) so‘m;

- 2022-yilda shakllantirilgan "Ayollar daftari"ni 3-bosqichining "Ijtimoiy yordamga muhtoj" xotin-qizlar ro'yxatida turuvchi "Sug'ot" mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi fuqaro Toshmuradova Kimyo Nizomidinovna sog'ligini qaytadan tiklashi uchun sektor rahbarining xulosasiga asosan, BHMning 20 baravarigacha uch tomonlama shartnomaga binoan to'lov miqdori 1 000 000 (bir million) so'm;

- 2022-yilda shakllantirilgan "Ayollar daftari"ni 3-bosqichining "Ijtimoiy yordamga muhtoj, qaramog'ida nogironligi bor farzandi mavjud bo'lgan" xotin-qizlar ro'yxatida turuvchi "Minglar" mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi fuqaro Jurayeva Sitara Murotovna sektor rahbarining xulosasiga asosan, BHMning 4 baravarigacha bir martalik moddiy yordam 1 200 000 (bir million ikki yuz ming) so'm;

- 2022-yilda shakllantirilgan "Ayollar daftari"ni 3-bosqichining "Ijtimoiy yordamga muhtoj, ishsiz bo'lgan" xotin-qizlar ro'yxatida turuvchi "Chimqo'rg'on va Sug'ot" mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi Rasulova Matluba Allayorovna va Botirova Feruza Baxodirovnalarga sektor rahbarining xulosasiga asosan BHMning 2 baravarigacha bir martalik moddiy yordam 600 000 (olti yuz ming) so'mdan jami 1 200 000 (bir million ikki yuz ming) so'm pul mablag'lari "Ayollar daftari" jamg'armasi hisobidan ajratilsin.

3. Tuman hokimligi moliya bo'limi (S.Ibragimov)ga budgetga tegishli o'zgartirish kiritish, tuman G'aznachilik bo'linmasi (A.Turdiyev)ga belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirish, tuman hokimligi bosh hisobchisi (N.Qo'ziyev) va tuman hokimi o'rinbosari oila va xotin-qizlar bo'limi boshlig'i (F.Chinorova) ajratilgan mablag'lardan maqsadli foydalanish vazifasi topshirilsin.

4. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining mahalliy budget, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi (Z.Egamov), yoshlar siyosati, xotin-qizlar va gender tenglik masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi (M.Aliqulova), tuman hokimi o'rinbosari oila va xotin-qizlar bo'limi boshlig'i (F.Chinorova) zimmalariga yuklansin.

Sessiya raisi



K.E.Yavkochdiyev